



Гапни актуал бўлакларга ажратиш назарияси ва илова ҳодисаси

Д.Э.Тўлакова

СамДЧТИ таянч докторанти

Аннотация

Ушбу мақолада таниқли чех тилшуноси В.Матезиуснинг гапни актуал бўлакларга ажратиш назарияси ва илова ҳодисаси борасида олиб борган илмий-тадқиқотларининг назарий ва амалий аҳамияти борасида фикр-мулоҳазалар келтирилган. Гапнинг актуал бўлаклари бўлмиш рема ва тема тушунчалари илова конструкция доирасида тушунтиришга ҳаракат қилинган.


Калит сўзлар: гапнинг актуал бўлаклари, илова ҳодисаси, илова конструкция, рема ва тема, моно- ва полифункционаллик.

Тилшуносликда маълум ва машҳур бўлган гапнинг актуал бўлакларга ажратиш ҳодисаси тўғрисидаги назария чет эл ва рус тилшунослигида кенг кўламда қўлланилиб келмоқда. Ушбу назария асосан чех тилшунослик мактабининг асосчиларидан бири В.Матезиусга [Mathesius 1947] тааллуқлидир. Кейинчалик бу назариянинг тарафдорлари кўпайиб борди. Уларнинг орасида К.Г.Крушельницкая [Крушельницкая 1956], И.П.Распопов [Распопов 1961] ва В.Г.Адмониарнинг [Адмони1969] олиб борган ишлари диққатга сазовордир. Дастлабки вақтларда гапни актуал бўлакларга ажратишда интонацияга, кейинчалик структурага алоҳида ўрин берилган. Гапнинг актуал бўлакларга ажралиши унинг коммуникатив мақсадини ифодалайди ва у синтактик жараёнда таҳлил қилинади. Ҳар қандай гапнинг фақатгина матн доирасида таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир. Шундагина у ҳақиқий синтактик ва интонацион маъно касб этади ва унинг актуал компонентларига ажралиши реал ҳолатда бўлади. Маълумки, бир гапни бир неча актуал бўлакларга бўлиш мумкин. Гапни актуал ажратиш деганда гапни икки бўлакка тема ва ремага ажратиш тушунилади.

Таъкидлаш жоизки, тема ахборот предмети, яъни фикр ҳаракатининг бошланиши бўлса, рема-бу унинг ривожланишидир. Бу ҳолатни куйидаги мисол орқали изоҳлаш мумкин; масалан, “Т” берилган дейлик, яъни бу тема функциясини бажариб келади, унинг ривожланиши учун рема керак, рема ана шу темани тўлдириш мақсадида юзага келади - у ҳолда Icame, демак, бу содда гап таркибида тема ва ремани тушунамиз. Албатта, бундай ҳолни кенгайтирилган гаплар таркибида ҳам кузатиш мумкин, у ҳолда қайси бир гап бўлаги биз учун муҳим бўлса, унга мантикий урғу бериб ажратиб кўрсатамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бизнинг асосий мақсадимиз бу ерда гапнинг актуал бўлаклари бўлмиш рема ва тема тушунчаларини илова конструкция табиатида мослаштиришдан иборат, чунки рема ўз моҳияти жиҳатидан темага нисбатан қўшимча ахборот беради, яъни уни конкретлаштиради, тўлдиради. Реманинг ана шундай хусусиятини эътиборга олган тилшунос олимлар, уни илова конструкциянинг рамкаси доирасида тушунтиришга ҳаракат қилишган. Бу соҳада М.Е.Шафиро олиб борган илмий-тадқиқот ишлари диққатга сазовордир. Чунки у биринчилардан бўлиб ремага хос бўлган хусусиятларни иловали элементлар ёрдамида тушунтириб берган, натижада гапнинг актуал бўлакларидан бўлмиш реманинг иловали элементларга муносабати [Шафиро 1965: 34] мавзусидаги илмий мақоласи юзага келди.

Ўзининг лингвистик моҳияти жиҳатдан рема ҳам иловали элементнинг ўзгинасидир, чунки иловали элемент ўз таркибида реманинг хусусиятларини такрорлаб, олдиндан айтилган фикрга қўшимча маъно бериш ёрдамида юзага келади, яъни бу қўшимча маъно



конкретлаштириш, тўлдириш, изоҳлаш, аниқлаш каби коммуникатив функцияларга эга. Бошқача қилиб айтганда, темада айтилган фикрни ривожлантиради, тўлдиради. Демак, рема энди оддий бир гап таркибидан чиқиб, илова конструкция ёки мураккаб синтактик бутунлик таркибида ҳаракат қилади.

Шу жиҳатдан, ремани иловали элементга тенглаштириш ёки иловали элементларни рема функциясида талқин қилиш кўпгина олимларнинг диққат марказида бўлмоқда. Масалан, Е.А.Реферовская “рема бу айтилган фикрга кўшимча маъно англатувчи компонентдир, яъни иловали элементнинг ўзгинасидир” [Реферовская 1983: 24], дейди. В.А. Дмитренко рема тўғрисида Е.А. Реферовскаянинг фикрини давом эттириб, бу тўғрисида шундай ёзган: “гапнинг актуал бўлакларга бўлиниши, уларнинг грамматик бўлинишига нисбатан ижобий ҳарактерга эга, бу ерда рема якунловчи, тугалловчи компонент сифатида юзага келади [Дмитренко 1986: 21]. Ремага нисбатан келтирилган фикр ва мулоҳазалар борган сари кенгайиб, аниқланиб, тўлдирилиб борилади, яъни рема бу иловали элемент, иловали элемент бу реманинг ўзгинасидир, деган тушунча майдонга келади. Фикримизнинг исботи учун Н.А. Фролованинг қуйидаги хулосаларини келтиришни ўринли деб ҳисоблаймиз: “Иловали конструкция таркибида -why, she is the most important thing there is. To me. And to you Thomas - яъни -to me and to you Thomas каби иловали элементларнинг келиши, уларнинг фақатгина рема функциясида келишини эмас, балки полирема функциясида ҳам кела олишини исботлайди” [Фролова 1967: 120].

Демак, Н.А. Фролова томонидан айтилган бу мулоҳаза юқорида айтилган баъзи бир фикрларимизни исботламоқда, чунки бу ерда келтирилган полирема иловали элементнинг моно- ва полифункционаллигини эслатади. Бу иловали элемент фақат рема функциясида келмасдан, балки ана шу рема функциясида келувчи иловали элемент учун тема ҳам бўлиши мумкин, деган хулосани келтириб чиқаради.

Иловали элементларнинг гапнинг актуал бўлиниши компонентларига нисбатан бўлган синтактик муносабатларини изоҳлаб беришга жуда кўплаб илмий мақолалар бағишланган, бироқ уларнинг барчасини бу ерда такрорлаб бўлмайди. Намуна тариқасида Е.А. Реферовскаянинг яна бир мулоҳазасини келтиришни ўринли деб биламиз, чунки бу мулоҳаза илова конструкция атрофида мавжуд бўлган баъзи бир саволларга ижобий жавоб тариқасида хизмат қилиши ҳам мумкин. Жумладан, Е.А. Реферовская иловали элементга хос бўлган айрим хусусиятлар тўғрисида шундай ёзади: “Иловали элементлар ҳеч вақт автономия ҳолатида бўлмайди, яъни ўз-ўзини мустақил идора қила олиш ҳуқуқига эга эмас, чунки у рема ҳарактерига эга, у фақат автономия шаклида ўзи бевоста боғлиқ бўлган компонент ёнида кела олиши мумкин ҳолос” [Реферовская 1983: 27]. Ҳақиқатдан ҳам, Е.А. Реферовскаянинг ушбу хулосаси жуда кўплаб саволларга жавоб бўлиши мумкин. Чунки, иловали элементнинг ўзи яқка ҳолда кела олмайди, фақатгина матн таркибида, яъни мураккаб синтактик бутунлик таркибида иловали элемент хусусиятига эга бўла олиши мумкин. Чунки, унинг моҳияти “илова”дир, айтилган фикрга кўшимча маъно берувчидир. Унинг иловали элемент эканлигини фақатгина у ёки бу илова конструкция таркибидагина сезиш, кўриш, таҳлил қилиш мумкин.

Иловали элементга хос бўлган бундай ва бошқа хусусиятлар тўғрисида, яъни уларнинг кўп қиррали, кўп томонли функциялари тўғрисида аввалроқ гапириб ўтдик. Бироқ, иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни қанчалик таҳлил қилмайлик, қанчалик изоҳламайлик уларнинг янги-янги томонлари очилаверади ва изланиш объектига айланаверади.



Адабиётлар

1. Голикова Н.Н. Лингвистический статус и коммуникативная сущность присоединительных конструкций. Ученые записки Тартуского государственного университета, Тарту, 1985, вып.713. -с. 8-15
2. Дмитренко В.А. Сопоставительный анализ сложносочиненных предложений, присоединительных конструкций и их роль в организации текста. Лингвистические и дидактические исследования германских и романских языков. Харьков: Изд-во Высшая школа, 1986. -с. 21-24.
3. Реферовская Е.А. Лингвистические исследования структуры текста. Л., 1983. - 215 с.
4. Фролова Н.А. О соотношении парцеллированных конструкций и непарцеллированных предложений на синтаксическом и коммуникативном уровне. Сб. Структура и семантика единиц номинации. Л.1967. -с. 114-122.
5. Шафиро М.Е. К вопросу о присоединении. Вопросы синтаксиса и стилистики рус. литературного языка. Куйбышев, 1963. с. 59-77.
6. Mathesius V. O tak zvanem aktualnim celenen vetnem. Cestina a obecny jazykozut. Soubor Stati, Praha, 1947. 234 s.
7. Мильк В.Ф. Интонация присоединения в современном английском языке в сравнении с русским. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. М.,1960. -15с.